



Аллох бир нарсани ирода килса, унинг сабабларини яратиб кўяди. У Зот Куръони Каримни киёматгача сақлашни Ўз зиммасига олган экан, бу ваъданинг ижроси учун керакли инсонларни, зарур шароитларни ҳам Ўзи мухайё килиб кўйгани тарихий воқеъликдир. Куръони Карим ёзма шаклининг бирор харфи ўзгармаган холда бизгача етиб келаётгани ҳаммага маълум. Шу билан бирга, унинг огзаки шакли ҳам корилар томонидан силсилавий тарзда ҳозирги кунгача бирор ўзгаришсиз етиб келаётгани ҳам илмий ҳақиқатдир.

Аллох таоло Куръони Каримни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га энг олий мўъжиза сифатида нозил килди. У Зот Ўзининг пайгамбарларига турли хил мўъжизалар юборган. Бу мўъжизалар ўша даврдаги энг ривожланган нарсаларга раддия тарзида уларнинг кавмларини ожиз колдирган. Масалан, Мусо (алайхиссалом) даврларида сеҳр кучайиб кетган эди. Аллох таоло уларни лол колдириш учун бу Пайгамбарга хассаларини мўъжиза ўларок ато этди. Шу даврдаги сеҳргарлар сеҳр илмини билганлари учун буни сеҳр эмас, балки илохий мўъжиза эканини эътироф этдилар.

Худди шунингдек, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) даврларида ҳам шоирлик ва араб фасохати чўккига чиккан бир пайтда Аллох таоло у Зот (алайхиссалом)га Ўз Каломини мўъжиза сифатида нозил килди. Натижада Куръонга ўхшаш нарсани олиб келишга манаман деган шоирлар ҳам ожиз колдилар. Куръон киёматга қадар абадий ожиз колдирувчи Калом бўлиб колди.

Кудсий хадиснинг эса ожиз колдиришлик хусусияти бўлмаган. Мана шу ерда Куръон ва Кудсий хадис ўртасидаги фаркнинг аввалгиси аён бўлади. Бошқа фаркларни ҳам кези келганда эътиборингизга хавола этамиз.

Куръон фақат Аллоҳгагина нисбат берилади. Кудсий хадис эса Аллоҳ таолога изофа этилган холда ривоят қилинади. Бундай пайтда **«Аллоҳ таоло айтди»** ёки **«Аллоҳ таоло айтади»**

дейилади ва гоҳо Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га нисбатан ҳам изофа қилиб ривоят этилади. У пайтдаги бериладиган нисбат хабарларга нисбатан бўлади.

Чунки

б

у хабарни айтувчи Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дирлар. У Зот Аллоҳ таоло ҳузуридан Кудсий хадис билан хабар берувчидирлар. Яъни бу холатда

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Раббиси азза ва жалладан ривоят қилиб айтдилар...»

дейилади.

Куръони Каримнинг ҳамма оятлари мутавотир бўлиб, хабари катъийдир. Аммо Кудсий хадиснинг аксари ёлғиз ривоят саналиб, баъзан саҳих, баъзан ҳасан ва баъзан эса заиф ҳам бўлади.

Куръони Каримнинг лафзи ҳам, маъноси ҳам Аллоҳ таолонинг ҳузуридандир. Чунки у лафзи ва маъноси билан ваҳий қилинган. Кудсий хадиснинг эса маъноси Аллоҳ таоло ҳузуридан бўлиб, лафзи Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг сўзларига асосланган. Кудсий хадиснинг маъноси ваҳий қилинган, аммо лафзи ваҳий эмас.

Шунинг учун Кудсий хадиснинг маъносини ривоят қилиш жоизлигига ҳамма муҳаддислар томонидан иттифок қилинган.

Куръони Карим тиловати ибодат саналади, яъни намозда ўқилади:

«Бас (энди), Куръондан муяссар бўлганича ўқинглар» (*Муззаммил сураси, 20-оят*).

Кудсий хадис эса намозда Куръон тиловатининг ўрнини боса олмайди.

Б.Акрамов